Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Фанлар Академияси И.М.Мўминов
номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

# Ижтимоий геронтология

ўқув дастури

«Akademiya»
Тошкент 2006

74.26 - Ўқитиш усули

Муаллиф: Ш.М.Содиқова

28.703 - Геронтология

Тақризчи: фалсафа фанлари номзоди Б.З.Умаров

Ю 40870
0

© «Akademiya» нашриёти. Тошкент 2006 й.

2013/33
A 2176
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

# Кириш

Жамият тараққиётининг асосини инсон ва унинг фаолияти ташкил этиши маълум воқеликдир. Айнан шу тамойил ҳозирги кун ижтимоий ривожланиш соҳасидаги муҳим устувор вазифаларни белгилаб беради. Бу ҳақда Президентимиз "Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш – ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини оширишдан иборат",[1] деб таъкидлаган.

Мазкур кўрсатмага таянган ҳолда тайёрланган ушбу дастур замонавий фанларда ижтимоий геронтология назарияси ва амалиёти бўйича мавжуд билим ҳамда амалий кўникмалар билан тингловчиларни қуроллантиришга қаратилган.

## Курснинг мақсад ва вазифалари

**Курснинг мақсади** - ижтимоий геронтологиянинг мазмун-моҳияти, тамойил ва хусусиятлари ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги назарий хулосалар, амалий кўрсатмалар ва тадқиқот услубларини қўллаш билан боғлиқ тажрибаларни тингловчиларга етказиб беришдан иборат.

**Курснинг вазифаси** - тингловчиларни ижтимоий геронтологиянинг назарий ва амалий масалалари билан таништириш, шунингдек, улар амалий фаолиятида ундан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир. Курснинг баҳс мавзуи қарияларни жамиятнинг ижтимоий таркибий тузилиши, ҳаётдаги ўрни, жамоатчилик билан алоқалари, бошқа авлодлар билан муносабат механизмлари каби масалаларни ҳам қамраб олади.

---

[1] Ислом Каримов. «Ўзбекистон халқига янги йил табриги» //Халқ сўзи, 2006 йил 1 январь.

## Курснинг ўрганиш объектлари

**Курснинг ўрганиш объекти** — кексаларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан боғлиқ долзарб муаммолар, уларнинг ечимига оид муҳим тенденциялардан иборат.

## Ўқитиш услублари

Курсни ўқитишда маъруза, суҳбат, амалий машғулот, тренинг, семинар, амалий ўйинлар, эксперт баҳолаш, сценарийлар тузиш, ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда уларни тақдим қилиш ва бошқа услублардан фойдаланилади.

## «Ижтимоий геронтология» курси бўйича ўқув соатлари тақсимоти

| № | МАВЗУЛАР НОМИ | СОАТЛАР | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | маъруза | суҳбат | амалий | мустақил иш |
| 1. | Ижтимоий геронтологиянинг баҳс мавзулари, мақсад ва вазифалари | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 2. | Ижтимоий геронтологиянинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 3. | "Қарилик" ва "кексалик" тушунчалари | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 4. | Қариялар-ижтимоий гуруҳ сифатида | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 5. | Кекса авлод турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ҳаёт кўникмалари | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 6. | Қарияларнинг билим ва тажрибаси - маънавий қадрият сифатида | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 7. | Мустақиллик даврида кексаларга нисбатан ижтимоий сиёсат | 2 | 2 | 2 | 2 |
| | **Жами:** | **14** | **14** | **14** | **14** |

## 1-мавзу. Ижтимоий геронтологиянинг баҳс мавзулари, мақсад ва вазифалари

«Геронтология» тушунчасининг тарихий ва замонавий талқинлари. «Ижтимоий геронтология» атамасининг моҳияти ва мазмуни. Гиппократ, Форобий, Ибн Сино ва бошқа олимлар яратган асарлар.

Ижтимоий геронтологиянинг баҳс мавзулари, предмети, структураси ва уларнинг хилма-хил талқинлари. Ижтимоий геронтологияни илмий-назарий ўрганиш ва тадқиқ этиш масалалари. Ижтимоий геронтологиянинг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий геронтологиянинг социологияда тутган ўрни. Геронтосоциология. Ижтимоий геронтология ва ижтимоий фанлар.

Ҳозирги даврда ижтимоий геронтологиянинг асосий мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даврида ижтимоий геронтологияни ўрганишнинг аҳамияти.

### Такрорлаш учун саволлар

1. «Геронтология» атамасининг мазмун-моҳияти.
2. Ижтимоий геронтологиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Ҳозирги даврда ижтимоий геронтологияни ўрганишнинг аҳамияти.

### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1997.-384 б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1999.-410 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000. -352 б.
4. Конституция - юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи // Ўзбекистон овози. -2003. 6 декабрь.
5. Альперович В. Социальная геронтология. -Ростов-на-Дону, Феникс, 1997.-576 с.
6. Баркамол авлод орзуси. -Т., Шарқ, 1998.-184 б.

7. Гидденс Э. Социология. -Т., Шарқ, 2002.-848 б.
8. Иномова М. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар.-Т., Фан, 1999.-151 б.

## 2-мавзу. Ижтимоий геронтологиянинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари

Ижтимоий геронтологиянинг келиб чиқиши ҳақида илмий қарашлар. Ижтимоий геронтологиянинг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари. Гиппократ ва Ибн Сино, файласуфлар Цицерон ва Сенека номлари билан боғлиқ геронтология. Арастунинг "Митти иншолар", "Қисқа ва узоқ умр" асарлари.

Геронтологиянинг XVIII асрда фан сифатида ҳақиқий ҳуқуққа эга бўлиши. Роджер Бэконнинг «Кўнгилдаги ниятлар ва афсун воситасида инсон жисмини нотўғри ҳаёт кечиришдан озод этиш ва умрни юзлаб ёшга узайтириш" ("Opus majus", "Катта меҳнат") асари.

XX асрда геронтологиянинг назарий ва амалий натижалари.

Хорижий олимлар С.Де Бовуар ва Л.Бине (Франция), А.Комфорт (Буюк Британия), Тиббитс (АҚШ)ларнинг замонавий геронтологик изланишлари.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий геронтологиянинг назарий ва амалий аҳамияти.
2. Геронтологиянинг фанга айланиши.
3. Қарияларнинг жамиятдаги ўрни масаласи.

### Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1997.-384 б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1999.-410 б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000.-352 б.
4. Альперович В. Социальная геронтология. -Ростов-на-Дону, Феникс, 1997.-576 с.
5. Баркамол авлод орзуси.-Т., Шарқ, 1998.-184 б.
6. Гидденс Э. Социология. Т., Шарқ 2002.-848 б.
7. Доклад тысячилетия. -Т., БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2002.- 262 с.
8. Кравченко А.И. Социология (учебник). -М.: ПБОЮЛ Григорян А.Ф., 2001.-536 с.
9. Процесс старения населения. -М.:1996.-286 б.
10. Российская социологическая энциклопедия.-М.:1998. −С.-672.
11. Узбекистан: общая оценка страны. ООН. 2003.-75 с.
12. Цицерон М. Философские трактаты.-М.: Наука, 1985.-С.382.
13. Человек: образ и сущность. РАН. М.,1996.-249 с.

## 3-мавзу. «Қарилик» ва «кексалик» тушунчалари

«Қарилик» ва «кексалик» тушунчалари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Авлод, аждод, авлодлараро муносабатлар, ворислик, гериатрия (қариликни даволаш), витаукт (инсон организмининг мослашиши), эйжизм (ёшига қараб камситиш), узоқ умр кўриш каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва ўзаро муносабати.

Қарияларни қадрлаш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш масаласи. Қадимги Шарқ мутафаккирлари Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ризоуддин ибн Фахриддин, Форобий, Алишер Навоий, Кайковус ҳамда Беҳбудий, Фитрат, А.Қодирийларнинг фикрлари.

Ғарб мутафаккирлари А.Адлер, К. Батлор Э.Гидденс, Н.Смелзер, А.Роуз, Ж.Мид, А.Маслоу, К.Хорни, З.Фрейд, Э.Эриксонларнинг қариялар масаласи ҳақида фикр ва қарашлари. МДҲ олимларининг қариялар муаммоларига оид тадқиқотлари.

Қариликнинг антропологик, хронологик, физиологик, психологик ва ижтимоий кўринишларини фарқлаш.

Ўзбекистонда маънавий мерос ва унга муносабат такомилида қарияларнинг ўрни.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Қарилик давридаги сиҳат-саломатлик масалалари.
2. Ворисликнинг авлодлараро муносабатда тутган ўрни.
3. Қариялар - ворисликни таъминлашда асосий субъект сифатида.

## Адабиётлар рўйхати


1.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996. -382 б.

2.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-367 б.

3.Кайковус. Қобуснома. -Т., Мерос, 1992.-176 б.

4.Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Т., 1988. – 208 б.

5.Амир Темур ўгитлари. -Т., Наврўз, 1992.-64 б.

6.Фитрат А. Оила. -Т., Маънавият, 1998.- 112 б.

7.Аминов Б. Аждодларимиз нидоси. -Т., Адолат, 1993. -63 б.

8.Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. -Т., Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004.-107-122-б.


## 4-мавзу. Қариялар - ижтимоий гуруҳ сифатида

Қариялар - ижтимоий-демографик қатлам ва авлодлараро ворисликни таъминлаш воситаси. Кексалар ва нафақахўрлар-ижтимоий гуруҳ сифатида.

Қариялларнинг ижтимоий муаммолари, мавқелари. Жамият, ижтимоий тузилма, оила ва турли ёшдаги гуруҳлар билан ўзаро муносабатдаги ўрни, шахснинг ёшига қараб ўзгаришлар.

Қарияларнинг ҳаётий шароитга мослашиши. Геронтогуруҳ. Қадимги маданиятни қўмсаш, табақаланиш билан кичик гуруҳлар: ёшга (кексалар, қариялар, нуронийлар), ҳудудий (шаҳарликлар, қишлоқликлар) ва жамиятдаги ўрнига қараб ажратиш. Ижтимоий геронтология предметининг уч босқичи: якка шахс, кичик гуруҳ ва ижтимоий тизимдаги гуруҳлар.

Аҳоли ижтимоий-демографик тузилишининг турли даврларда ўзгариб туриши. Демографик сиёсатнинг моҳияти, асосий йўналишлари.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-демографик ҳолати.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий таркибида юз бераётган ўзгаришлар.
2. Қарияларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ёш гуруҳларини таснифлаш муаммолари.

### Адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000. -352 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. // Халқ сўзи, 2006 йил 1 январь.
3. Атамирзаев О., Каюмов А. Народонаселение Узбекистана: демографическая ситуация, политика, экология // «Экономика и статистика», 1996, 5-сон.
4. Доклад о развитии человека. 2004. Культурная свобода в современном многообразном мире. Нью-Йорк, ПРООН. 2004.-312 с.
5. Доклад тысячилетия. -Т., БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2002.- 262 с.


## 5-мавзу. Кекса авлод турмуш тарзи, хулқ-атвори ва ҳаёт кўникмалари

Қариялар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг авлодлараро ворисликни таъминлашга таъсири.

Инсон умрини узайтирувчи омиллар.

Инсоннинг шарт-шароитга мослашиши. Ҳаёт тарзини ўзгартириш қобилияти, низоли вазиятларда (энг аввало, авлодлараро низоларда) ўзини тутиши. Эҳтиёж, қизиқиш борасидаги ўзгаришлар.

Оилавий ажралишлар, қарияларнинг фаоллиги, маданияти ва ёш тизимидаги фарқланиш.

Кекса одамнинг жамоада, қўшнилар орасида, қариндошлар ва оила даврасидаги ўрни, вазифаси ва бажарадиган ишлари.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Қариялар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Кексаларнинг оила ва маҳалладаги ўрни.
3. Кексаларнинг соғлом турмуш тарзи масалаларини ўрганиш.

### Адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-382 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-367 б.
3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т., Мерос, 1993.-224 б.
4. Абдуллаев М. Миллий истиқлол ва маърифат муаммолари. -Т., Фан, 1992. -62 б.
5. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети.-Т., Янги аср авлоди. 2004. -36 б.
6. Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. -Т., Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. 1993.-9 б.


## 6-мавзу. Қарияларнинг билим ва тажрибаси-маънавий қадрият сифатида

Ижтимоий тараққиёт авлодлар ворислиги узлуксизлигини таъминлаш омили. Авлодлараро ворисликнинг тадрижийлиги. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзи ва келажагини аждодларнинг тарихий тажрибаси асосида қуриши.

Мустақилликка эришилганидан сўнг қарияларга муносабат, уларнинг тажрибаларидан фойдаланишда миллий

қадриятларга асосланиш ҳамда давлат сиёсати даражасига кўтариш.

Кексаларнинг оила ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаётгани, уларнинг ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш.

Кекса авлоднинг малакаси, тажрибаси, илми ва маданий имкониятларидан жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоада авлодлараро муносабатлар маданиятини таъминлашда самарали фойдаланиш.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Кекса авлодга муносабат, ундан маънавий меросни англашда ислом таълимотидаги инсонпарварлик ғоялари.
2. Кексаларнинг билим ва тажрибаларидан унумли фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Республикамизда маҳалла оқсоқолларининг ўрни ва роли.

## Адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-382 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-367 б.
3. Гидденс Э. Социология. -Т., Шарқ, 2002.-848 б.
4. Жўраев Н. Ўзликни англаш мавруди. -Т., «Ўзбекистон»,1990.-125 б.
5. Иномова М. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. -Т., Фан, 1999. -151 б.
6. Султонов Х., Қаршибоев М. Ватан туйғуси. -Т., Маънавият, 2003. -196 б.
7. Хидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райҳонларидир. -Т., Янги аср авлоди, 2002.-160 б.

## 7-мавзу. Мустақиллик даврида кексаларга нисбатан ижтимоий сиёсат

Қарияларнинг авлодлараро ворисликни таъминлашдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-тарихий, маънавий-маданий хусусиятлари.

Мамлакатимизда авлодлараро ворисликни таъминлашни такомиллаштириш йўллари.

Қарияларнинг оила ва жамиятдаги ўрни нуфузининг тобора ортиши.

Кексалар фаолияти самарасини ошириш учун янги восита ва услублардан фойдаланиш.

Жамоада авлодлараро муносабатлар маданиятини таъминлаш.

Кексалар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат дастурларини бажаришга жамоатчиликни, нодавлат ташкилотлар, жамғарма ҳамда фирмаларни жалб этиш масалалари.

Фахрийларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари.

Кексаларнинг таълим, маданият, маънавий ҳаёт ва дам олиш соҳасидаги имкониятлардан фойдаланишларини таъминлаш.

Оила ва жамиятда кексалар ўз истеъдодларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш имкониятлари.

Авлодлараро муносабатлар маданиятини юксалтириш мақсадида "Устоз-шогирд", "Икки авлод учрашуви", "Миллий қадриятлар тизимида қарияларга муносабат" мавзуларида илмий-назарий анжуманлар, давра суҳбатлари, сўровномалар ўтказиш.

Ҳозирги даврда маънавий мерос ва унга муносабат такомилида қарияларнинг ўрни масаласи.

Кексалар эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муаммолар. Кексаларга ҳурмат ва ғамхўрлик - инсоният тараққиётининг ўзгармас омилларидан бири. Кексалар фаолияти: оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, диний фаолият, дам олиш, саёҳат. Кексаларни ҳимоялаш, уларни парваришлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки. Оила -

жамиятнинг асосий бўғини сифатида. Кексаларга соғлом турмуш тарзини таъминлашда оиланинг роли. Кексаларга бағишланган кенгаш ва семинарларнинг аҳамияти.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Қарияларнинг оиладаги ўрни ва нуфузи.
2. «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг фаолияти.
3. Маҳаллаларда кексаларнинг тутган ўрни ва роли.
4. Оила- жамиятнинг асосий бўғини.
5. Кексаларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғ лиқ муаммолар.

## Адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-382 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1996.-367 б.
3. Гидденс Э. Социология. -Т., Шарқ, 2002. -848 б.
4. Доклад тысячилетия.-Т., БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2002.- 262 с.
5. Иномова М. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. -Т., Фан, 1999.-151 б.
6. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида.-Т., Академия, 2005.- 640 б.
7. Узбекистан: общая оценка страны. ООН. 2003.-75 с
8. Холматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. -Т., «Ўзбекистон», 2000. -24 б.

## «Ижтимоий геронтология» курси бўйича реферат ва мустақил иш мавзулари

1. Ижтимоий геронтология: асосий тамойил ва тадқиқот услублари.

2. Ижтимоий геронтологиянинг тингловчи фаолияти учун амалий аҳамияти.

3. Ижтимоий геронтология фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда жамоатчилик фикри.

4. Амалий социологик тадқиқотлар - ижтимоий геронтология фаолиятини такомиллаштириш омили сифатида.

5. Президент И.А.Каримов «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишланган давлат дастури ҳақида.

6. Кексаларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи.

7. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида кекса авлоднинг оила ҳамда жамиятдаги ўрнининг фарқланиши.

8. Қарияларнинг оиладаги ўзига хос муносиб ўрни.

9. Республикамизда маҳалла оқсоқолларининг ўрни ва роли.

10. Авлодлараро муносабатда ворисликнинг ўрни.

11. Қариялар - ворисликни таъминлашда асосий субъект сифатида.

12. Қариялар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари.

13. Кексаларнинг соғлом турмуш тарзи масалаларини ўрганиш.

14. Қариялар - ижтимоий-демографик қатлам ва авлодлараро муносабат воситаси.

15. Қариликнинг антропологик, хронологик, физиологик, психологик ва ижтимоий кўринишлари.

16. Қадимги Шарқ мутафаккирларининг қарияларни қадрлаш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш масаласига оид қарашлари.

17. Кексаларга нисбатан ижтимоий сиёсатнинг ҳозирги даврдаги асосий йўналишлари.

## Қўшимча адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлидан.-Т., «Ўзбекистон», 1997. -564 б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1999. - 410 б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 2000.-526 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000.-352 б.
5. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.-Т., Мерос, 1993.-224 б.
6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т., Ўқитувчи, 1992. - 160 б.
7. Абдураҳмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар.-Т., Фан, 1994.- 108 б.
8. Альперович В. Социальная геронтология. -Ростов-на-Дону, Феникс, 1997.-576 с.
9. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т., Академия, 2000. – 125 б.
10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. -Т., Янги аср авлоди. 2004.-36 б.
11. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Асосий омиллар.-Т., 2001.-368 б.
12. Гидденс Э. Социология. -Т., Шарқ, 2002.-848 б.
13. Доклад о развитии человека-2004. Культурная свобода в современном многообразном мире. -ПРООН. 2004.-312 с.
14. Доклад тысячилетия. -Т., БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2002.- 262 с.
15. Зидер Р. Социальная история семьи в Западной и Центральной Европе (конце XVIII-XX вв). -М.: Владос, 1997.-302 с.
16. Ислом одоби ва маданияти. -Т., Чўлпон, 1995. -176 б.
17. Процесс старения населения. -М.:1996.-286 б.
18. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т., «Ўзбекистон», 1997. - 416 б.
19. Умаров Б. Умрзоқликнинг чораси борми?//Тафаккур, 2002, 4-сон.

# Ижтимоий геронтология

ўқув дастури

Academiya
Тошкент 2006

Муҳаррир М.Абдуллаева
Бадиий муҳаррир Р.Султонов
Нашр учун масъул Ш.Ғаниев

Теришга берилди 19.06.06. Босишга рухсат этилди 21.06.06. Бичими 84x108$^1$/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 1,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 1,0 Адади 50.
Баҳоси шартнома асосида.